

## ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ МАҚОМИГА ОИД ЛИСОНИЙ ФАНЛАР ҚАТОРИДА

**Шукуров А.А**

*Термиз давлат университети, PhD, доцент*

**Аннотация:** Мазкур мақолада тилшуносликнинг янги йўналиши лингвокультурология ҳақида фикрлар юритилган бўлиб, ушбу соҳанинг вужудга келиши, ўрганилиши, мазкур соҳанинг ривожига ҳисса қўшган олимлар ҳақида маълумотлар берилган.

*Лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объекти бўлган тил ва маданият муносабати тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** *Маданият, тил, этник ижтимоий, социолингвистика, этнолингвистика, когнитология, этник ўзини англаш.*

Халқнинг, маданият ва тилнинг ўзааро алоқалари ҳамда муносабатлари масаласи фанлараро муаммолар масаласидир. Унинг ечимигина бир қанча фанлар – социология ва философиядан тортиб, лингвокультурология ва этнолингвистикагача бўлган фанлар ечимини кучайтиради. Масалан, этник лисоний фикрлаш масалалари – бу лисоний философиянинг асосидир; этник-ижтимоий ёки гуруҳлар мулоқотлари спецификасини тил аспектида психолингвистика ва шу каби тадқиқотлар ўрганади. Тил ўта тиғиз образда маданият билан алоқадордир, у маданиятда ўсади, ривожланади ва уни ифодалайди.

Ана шу ғоянинг негизида XX асрнинг 90-йилларида шаклланган, лингвистиканинг мустақил йўналиши деб ҳисобланган янги соҳа – лингвокультурология фани юзага келди. “Лингвокультурология” термини В.Н.Телия раҳбарлигидаги фразеология мактаблари ишлари асосида сўнгги 10 йилликларда ва шунингдек, Ю.С.Степанов, А.Арутюнова, В.В.Воробьев, В.Шаклеин, В.А.Маслова ва бошқа тадқиқотчиларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли юзага келди. Агарда культурология санъат, тарих, жамият-табиатга ва бошқа соҳаларда унинг ижтимоий ҳамда маданий-маиший муносабатлари бўйича инсоннинг ўзини ўзи англашини тадқиқ қилса, тилшунослик эса дунёқараш, дунёнинг лисоний картина моделларини менътал кўринишида тилда акс эттиради ва уни ифодалайди, кўриб чиқади. Лингвокультурология ўзининг предмети остида тил ва маданиятни ўрганади.

Агарда фикрлаш муаммоларининг анъанавий усулларида маданият ҳақидаги айрим тасаввурлардан фойдаланиб, тил ва маданиятнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари лисоний масалалари ечимига қаратилса, бизнинг мазкур ишимизда тил ўзининг бирликларини кенгайтириш, сақлаш ва маданиятни

номоён қилиш усуллари ўрганишга йўналтирилади. Лингвокультурология – тилшуносликнинг соҳаси бўлиб, халқ маданияти пайдо бўлишини тадқиқ қиладиган, уларни тилда мустаҳкамлайдиган ҳамда акс эттирадиган, шу билан бирга, маданиятшунослик ва тилшунослик фанларининг ўзаро бир нуқтада кесишуви асосида юзага келган алоҳида бир фандир.

Социоллингвистика ва этнолингвистика лингвокультурология билан чамбарчас боғлиқдир, ҳаттоки, улар нафақат мустаҳкам алоқада, балки В.Н.Телия ибораси билан айтганда, уни этнолингвистиканинг бўлими деб ҳисоблайди. Аммо нима бўлишидан қатъий назар улар турли соҳадаги фанлардир. Этнолингвистика йўналиши ҳақида фикр юритилар экан, унутмаслик керакки, унинг ўзаги европадан аниқроғи, В.Гумбольдт асарлари орқали кириб келган; Америкадан эса Б.Уорф, Э.Сепир, Ф.Боас каби олимларнинг ишлари; шунингдек, жуда катта аҳамиятга эга бўлган А.И.Соболевский, А.Н.Афанасьев, А.А.Потебня, А.А.Шахматов, Е.Ф.Карский, А.Н.Зеленик ва бошқаларнинг асарлари – тадқиқотларини таъкидлаш ўринлидир. Айнан В.И.Звезденцев лингвокультурологияни бутунлигича миллат ёки жамиятнинг ижтимоий тузилиши, халқ анъаналари, тил билан маданиятнинг алоқаларини ўрганилишига ўзининг диққатини жалб этиб, этнолингвистиканинг алоҳида бир йўналиши сифатида тавсифлайди.

Халқ – инсонларни тилнинг умумийлиги билан ўзини англаши гуруҳлар бирлиги, уларнинг келиб чиқиши ва тарихий тақдирлари ҳақидаги тасаввурлар умумийлиги билан боғлиқ лисоний, анъанавий – маданий инсонлар умумийлиги уларнинг руҳий ва маданий хусусиятларидир. Этник ўзини англаш – ўхшаш (онологик) шаклларни бошқалардан фарқлаш ва ўзининг гуруҳлар бирликлари билан халқ аъзоларини тан олишдир. Замонавий этнолингвистиканинг диққат марказида маданий-тарихий мажмуалар ёки маълум манбаларга тегишли тилнинг лексик (луғавий) тизими элементлари жойлашган. Масалан, мазкур соҳа билан шуғулланган олимлар

Беларус ва Украина урф-одатлари, анъаналари, тўй-маросимлари ҳамда уларнинг маданий шаклларини етарлича манба вазифасини бажарилишини таъкидламоқда. Буни Славян регионалларининг узвий ҳудудларидан бири деб ҳисоблаш мумкин ва бунга муносабат билдирилар экан, биринчи навбатда, Славян қадимийликларини жамоавий (комплекс) ўрганиш муаммосини қўйишади. (С.М.Толстов). Шу йўналиш доирасида атрофига икки муҳим муаммони ифодалайдиган иккита мустақил тармоқларни ажратиш мумкин. Булар: 1) тил бўйича этник гуруҳлар реконструкцияси (бу ўринда Т.В.Гамкрелидзе, В. В. Иванов, С. Б. Бренштейн, Р. А. Агеева ва бошқаларнинг тадқиқотларини таъкидлаш ўринлидир); 2) мазкур тил бўйича халқнинг моддий ва маънавий маданияти реконструкцияси (ушбу йўналишга эса

В.В.Иванов, В.В. Топоров, Т.В. Цивьян, Т.М. Судников, Н. И. Толстов ва унинг мактаби асарларини келтириш мумкин). В.В. Иванов, Г. В. Гамкрелидзе лисоний тизимни маълум археологик маданиятга тегишлилигини эътироф этишади. Реконструкция қилинаётган сўзларнинг семантик таҳлили ва уларнинг денотатларга муносабати бу денотатларга маданий экологик ва тарихий географик тавсифларни ўрнатишга имкон беради. Славян реконструкцияси ёки исталган маданиятнинг ундаги нисбатан қадимий кўриниши маданиятшунослик, археология, фольклоршунослик, этнография ва тилшунослик фанларининг ўзаро хатти- ҳаракатлари таъсирига асосланади. XX асрнинг иккинчи ярмида Россияда йирик олимлар раҳбарлигида В.Н. Топоров, В.В. Иванов, Н.И. Толстовнинг этнолингвистика мактаби; Н.В. Уфимцева, Ю.А. Сарокин ва бошқаларнинг этнопсихоллингвистика мактабалари каби бир неча илмий марказлар юзага келди.

Уларнинг тадқиқотларида этник дунё кўринишларининг мустаҳкамлаш воситаси, дунёнинг менталь тартибга келтириш дастгоҳи бўлиб хизмат қиладиган маданиятнинг субстрати “табiiй сифатида гавдалантирилади”, 1970 йиллардан бошлаб этниклик термини кенг қўлланила бошланди. Уни ижтимоий таъминотлар шаклининг маданий фарқларини гуруҳли феномен сифатида аниқлашади: “этник қарашлилик танланмайди, бироқ кузатилади (С.В. Чешко)”. Инсониятчилик маданияти ҳар хиллик, у ёки бу талабларни қониқтирилишига йўналтирилган турли халқлар ҳаракатлари этник маданият жамланмасини ташкил қилади. Этник ўзига хослик ҳамма нарсаларда юзага келади, жумладан, турли вазиятларда, масалан, инсонлар қандай гаплашади, овқатланишади, дам олишади, ишламайди ва бошқалар.

Маданий мулоқотлар жараёнида матндаги қочиримлар, “дунёнинг ёрқин картинаси” ва муаммоси маданиятини тадқиқ қилади. Турли халқлар ва бошқаларнинг нутқий ҳаракатлари сифатидаги икки тиллилик ва кўп тиллиликни ўрганади. Ассоциатив тажриба этнопсихоллингвистиканинг асосий метод тадқиқоти ҳисобланади, лингвокультурология фани ҳам психоллингвистик методикани инкор этмаган ҳолда турли лисоний методлардан фойдаланади. Уларнинг асосий фарқлари ҳам шундадир.

“Маданият” сўзи лотинча *Colege* сўзидан бўлиб, тарбия, ишлов бериш, ривожланиш, “культ” каби тушунчаларни ифодалайди. XVIII асрдан бошлаб, инсон фаолият ва унинг мақсадли йўналишларига мувофиқ маданият тушунчаси остида тушунила бошланди. Бу маъноларнинг барчаси охириги “маданият” сўзи қўллангангача сақланилган, бироқ бу сўзнинг дастлабки маъноси бошқача ифодаланган, жумладан, шундай: “инсоннинг табиатга мақсадли йўналтирилган қараш, табиатнинг ўзгариши инсоннинг қизиқишларида, бу дегани (айниқса, қишлоқ хўжалиги маданиятида) ер ҳайдаш, ер ишлари ва бошқалар”. Тил ва маданият бир-бири билан қанчалик

яқин алоқада бўлмасин, уларни фарқланувчи томонлари ҳам бор. Маданиятшунослик илми билан шуғулланувчи олимларнинг мақсади аслида маданият нима эканлиги, этика, эстетика каби тушунчаларнинг асл моҳиятини ўрганиш ва тушунтириш бўлса, тилшунос олимларнинг вазифаси маданиятнинг тилга ва тилнинг маданиятга таъсирини аниқлашдир. Тилшуносликнинг лингвомаданият соҳаси тилнинг айнан мана шу томонларини ўрганади ва таҳлил қилади<sup>1</sup>. Яъни, Эдуард Сепирнинг таъкидлаганидек, маданият – турмуш тарзимизни тавсифловчи, ижтимоий мерос қилиб олинган амалий малакалар ва ғоялар мажмуи<sup>2</sup> бўлса, тил унинг яшаш даврилигини таъминловчи воситадир.

Антропология – инсон ва унинг маданияти ҳақидаги дастлабки фанлардан биридир. У ижтимоий маданий муносабатлар тизимида инсон билан боғлиқ табу, чек қўйишлар, меъёрларнинг бўлиши, инсоннинг ўзини- ўзи тута билиши, маданий феномен сифатидаги муҳаббат, маданий ҳодиса сифатидаги мифология ва бошқа қатор муаммоларини тадқиқ қилади. У XIX асрда инглиз тилли мамлакатларда юзага келган, унинг бир неча йўналишлари мавжуд бўлиб, шулардан бизнинг муаммоларимиз доирасида ўрганилаётган ва нисбатан қизиқарли бўлган йўналиш когнитив антропологияни санаш мумкин. Когнитив антропологиянинг асосида дунёнинг менталь ва ташкилий тузилиши, инсоний қобилиятларини специфик англаш, маданият ҳақидаги тасаввурлар ётади. Когнитив антропология вакилларининг фикрича, тилда маданий фаолиятни ташкил қилувчи ва инсоний фикрлаш асосида ётадиган барча когнитив категориялар акс этган. Бу категориялар инсонни маданиятли қилишга шакллантира боради.

Тил маданий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни сақлаш ва йиғиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Айрим лисоний бирликларда бу маълумотлар замонавий тил эгалари учун имплицит, асрий трансформациялар яширинган, балки булар кетмакетликда ўгирилгандир. Бироқ у мавжуд, англаш даражасида “ишляпти” (масалан, қуёш рамзий сўзини қўллайдиганлар жавоб беришяпти, улар орасида миф семантикаси изидан бораётганлар бор – ой, осмон, оллоҳ, бош ва бошқалар). Лингвокультурология тил белгиларига юклатилган маданий маълумотларни ўчириш учун айрим махсус усулларни қўллаш керак. Бизнинг лингвокультурологиядаги концепциямиз, шунингдек, қуйидагича фарқланади. В.Н. Телия шундай эътироф этади: “Унинг объекти нафақат миллий маданий маълумотлар ҳисобланади, балки умуминсонийдир ҳам, масалан, библияда битилган, бу дегани, турли маълумотлар масалан, славянларга сиғинадиган аниқ халқлар ёки яқин қариндош халқларни қизиқтиради”.

Демак, юқорида кўриб чиқилган ёндашувларда рационал мазмун бор, уларнинг ҳар бири мавжуд маданият тушунчасини кўрсатиб туради. Аммо уларнинг қайси бири биз учун мақул? Бу ўринда барчаси тадқиқот ёндашувидан

келиб чиқади деган фикрдамыз, яъни юқорида қайд этилган лингвомаданий бирликларга оид қарашлар маданиятни қандай тушунишга боғлиқ.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Akhmadovich S. A. POETIK MATNDA FORS-TOJIKCHA O 'ZLASHMALARNING QO 'LLANILISHI //Philological research: language, literature, education. – 2024. – Т. 1. – №. 2.
2. Axmatovich Sh. A. Poetic Words in the Artistic Text //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 2021. – P. 101
3. BOZOROV H. LINGVOMADANIY MAKONDA OQ RANGNING MENTAL XUSUSIYATLARI (O 'ZBEK XALQ ERTAKLARI MISOLIDA) // "Conference on Universal Science Research 2023" T.1/5. C. 77-79
4. BOZOROV H. O 'ZBEK XALQ ERTAKLARIDA NUTQIY ETIKET MASALASI // Namangan davlat universiteti Ilmiy axborotnomasi, 2023. - №8. – C. 389-395.
5. BOZOROV H. O'ZBEK XALQ ERTAKLARIDA QUSHLAR RAMZI // "Ilm-fan muammolari tadqiqotchilar talqinida" mavzusidagi 10-sonli respublika ilmiy konferensiyasi T.1/10. C. 52-58
6. BOZOROV H. LINGUISTIC CHARACTERISTICS OF JEWELRY-RELATED CODES IN THE LANGUAGE OF UZBEK FOLK-TALES // Academia Science Repository. T.4/04. C. 136-140.
7. BOZOROV H. LINVOMADANIYATSHUNOSLIKDA FOLKLORNING O'RNI // "O'ZBEK FOLKLORI VA SHEVALARI TADQIQOTLARI: AMALIYOT, METODOLOGIYA , YANGICHA YONDASHUV" mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiyasi materiallari T.1.- C. 187-189
8. BOZOROV H. O'ZBEK XALQ ERTAKLARIDA HUNARMANDCHILIKKA OID ETNOGRAFIYALARNING QO'LLANISHI // CHALLENGES AND PROBLEMS OF MODERN SCIENCE. T.1/6. C.25-28.
9. BOZOROV H. O'ZBEK XALQ ERTAKLARIDA PRETSEDENT BIRLIKLARNING QO'LLANISHIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR // FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI (Professor Odiljon Bozorov tavalludining 75 yilligiga bag'ishlanadi). T.1/1. C.374-377.
10. BOZOROV H. O'ZBEK XALQ ERTAKLARIDA QORA RANGNING RAMZIY IFODASI // Development of science in the XXI century. T.1/5. C.7-11.
11. BOZOROV H. O'zbek xalq ertaklarining lingvomadaniy tadqiqi // Termiz davlat universiteti. 2023.
12. BOZOROV H. Usage of some ethnographism in uzbek folk-tales. – 2022.
13. Shukurov A. A. LINGUISTIC INTERPRETATION OF POETIC TEXT //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – C. 533-536.

14. Shukurov A.A. Sinonimlarning lingvopoetik imkoniyatlari. // NamDU Ilmiy axborotnomasi. 2020. 3-son. – B.361-367.
15. Shukurov, A. A. (2022). Linguistic requirements of poetic text analysis.
16. Shukurov, Ahat Akhmatovich. "Linguistic requirements of poetic text analysis." (2022).
17. TOJIYEVA G. Y., SHUKUROV A. A. SHUKUR XOLMIRZAYEV NIKOYALARI TILIDA SO 'Z VA UNING TA'RIFI //ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Интернаука". – С. 52-54.
18. Камалов У. А. Лексические средства выражения оптативной модальности в русском и узбекском языках //МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕРМЕЗСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА. – 2022. – С. 188.
19. Камалов У. А. Оптативные предложения в русском и узбекском языках //Молодой ученый. – 2020. – №. 47. – С. 449-452.
20. Тожиева Г. Ю., Шукуров А. А. СОЦИОЛИНГВИСТИКА: ТУШУНЧА ВА ТАРИХИ //О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 96-99.
21. Шукуров А. А., Бегматова Г. Х. ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОЭМЫ АМАНА МАТЧАНА “МИНГ БИР ЁҒДУ”.